



**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги**



**Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги Кадастр агентлиги**

**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**



**Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши**

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ БОШЛИҒИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҚУЗУРИДАГИ КАДАСТР АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ
КЕНГАШИ

Н. Рустамбеков, Н. Тилляев, С. Азизов, Я. Хасанов

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ БОШЛИҒИНИ ЎЗГАРТИРИШ
ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

МУНДАРИЖА

1.	Кириш	4
2.	Умумий қоидалар	5
3.	Фермер хўжалиги бошлиғини ўзгартириш асослари	5
4.	Фермер хўжалиги бошлиғи ўзгарганлигини расмийлаштириш тартиби	7
	Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг меросхўрларга ўтиш тартиби	7
	Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини фермер хўжалигининг янги бошлиғига ўтказиш тартиби	10
5.	Фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	14
Иловалар:		
	Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот қилганлиги муносабати билан ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига бериладиган ариза намунаси	15
	Ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш бўйича келишувнинг намунавий лойиҳаси	16
	Фермер хўжалигининг йиғилиши баёни намунаси	18
	Фермер хўжалигининг бошлиғи алмашганлиги муносабати билан ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига бериладиган ариза намунаси	20
	Ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш бўйича уч томонлама келишувнинг намунавий лойиҳаси	21-22

КИРИШ

Фермер хўжалиги бошлиғини ўзгартириш ва расмийлаштириш тартиби бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда – Қўлланма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Қўлланма фермер хўжалигининг бошлиғи ўзгарган тақдирда, ушбу ўзгаришларни қонунчилик талабларига мувофиқ тартибда расмийлаштиришда **ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.**

Қўлланмада фермер хўжалигининг бошлиғи ўзгаришининг асослари, тартиби ва шартлари, бундай ўзгаришни расмийлаштириш тартиби баён этилган ҳамда ҳужжатларнинг намуналари, соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

Қўлланмани **очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул** ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Қўлланма ишлаб чиқилган сана: **13.03.2023 йил**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур қўлланма фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганда, пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинган, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги шартномага (кейинги ўринларда – **ер ижара шартномаси**) ўзгартиришлар киритиш орқали талабларига жавоб берадиган ўз оила аъзоларидан бирига қонунчиликка мувофиқ ер ижара шартномаси амал қиладиган муддатга беришда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солади.

2. Қўлланма туман (шаҳар) ҳокимликлари ва давлат бошқаруви органлари ходимлари учун хизмат вазифаларини бажаришда методик қўлланма вазифасини ўтайди.

3. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти;

фермер хўжалигининг бошлиғи – шу хўжаликнинг муассиси бўлган фермердир;

оила аъзолари – эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар).

II. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ БОШЛИҒИНИ ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ

4. Фермер хўжалигининг бошлиғини ўзгартириш бу **мажбурият эмас**, балки бевосита фермер хўжалигининг **бошлиғи** ва фермер хўжалигини бошқаришни ўз зиммасига олаётган **оила аъзоларидан бирининг ҳуқуқи** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига кўра, “фермер хўжалиги бошлиғи

вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонунчиликка мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади”. Бу тегишли тартибда расмийлаштирилади.

Мазкур 13-моддага мувофиқ, ер участкасини фермерлик фаолияти билан шуғулланиш учун ижарага олиш ҳуқуқини ер ижара шартномасига ўзгартиришлар киритиш орқали ўз оила аъзоларидан бирига ер ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бериш учун қуйидаги ҳолатлар **асос бўлади**:

- пенсия ёшига тўлганлиги;
- меҳнат қобилиятини йўқотганлиги;
- муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги;
- олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги;
- сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги.

Юқоридаги ҳолатлардан бири юз берганда фермер хўжалиги бошлиғи хоҳишига кўра, оила аъзоларидан бирига фермер хўжалиги бошлиғи вазифасини ўтказиши мумкин.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

Фермер хўжалигига янги тайинланаётган раҳбар ушбу фермер хўжалиги олдинги раҳбарининг оила аъзоси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни асос сифатида келтиради.

Фермер хўжалигининг янги бошлиғи ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши лозим.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

*Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши **мумкин эмас**.*

Фермер хўжалигининг бошлиғи алмашган тақдирда ер ижараси муддати янгидан ҳисобланмайди, фермер хўжалигининг янги бошлиғига ижаранинг фақатгина қолган муддати давомида ер участкасидан фойдланиш ҳуқуқи ўтади.

МИСОЛ

“А” фермер хўжалигига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси 2000 йил март ойида 35 йилга, яъни 2035 йил март ойигача ижарага берилган. 2023 йил апрель ойида фермер хўжалигининг бошлиғи алмашса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара муддати ўзгармаган ҳолда 2035 йил март ойигача бўлиб қолаверади.

IV. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ БОШЛИҒИ ЎЗГАРГАНЛИГИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

5. Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг меросхўрларга ўтиш тартиби.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонунчиликка мувофиқ ер ижара шартномасининг амал қилиш муддатига меросхўрларга ўтади.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганда, фермер хўжалиги мулкӣ комплекс сифатида меросхўрларга ўтади.

5.1. Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини меросхўрларга ўзгартириш қуйидагича босқичларда амалга оширилади.

Биринчи босқич. Мерос гувоҳномаси олинади.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўр(лар)нинг ёзма аризасига кўра **мерос гувоҳномасини** беради.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан **олти ой** ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Меросхўр (агар кўп бўлса, улардан бири) ёки унинг вакили мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирмани нотариусга тақдим этади.

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ **васиятнома орқали** мерос қилиб қолдирилиши мумкин.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонунчиликка мувофиқ мерос қилиб қолдирилганда, хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат божига тўлашдан озод этиладилар.

Иккинчи босқич. Фермер хўжалиги қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

Меросхўр фермер хўжалиги бошлиғи ўзгарганлиги муносабати билан фермер хўжалигининг янги уставини давлат рўйхатидан ўтказиш учун **Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ёки давлат хизматлари марказига** келган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага фермер хўжалигининг янгиланган устави, фермер хўжалиги бошлиғини вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирма, мерос тўғрисидаги гувоҳнома илова қилинади.

Фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 баравари миқдорида тўлов қилинади** ҳамда қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

*Фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ариза берилганида **БҲМнинг 90 фоизи миқдорида тўлов тўланади.***

Учинчи босқич. Туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза ёзилади.

Аризада меросхўр фермер хўжалиги бошлиғи вафот этганлиги сабабли фермер хўжалиги бошлиғи бўлиш ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини унга ўтказиш бўйича ер ижара шартномасига ўзгартиш киритишни баён қилади, асос сифатида вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирма, мерос тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

Ариза ва илова қилинадиган ҳужжатлар ҳокимликка анъанавий тартибда қоғоз шаклида тақдим этилади.

**ИЛОВАДАГИ
НАМУНАГА
ҚАРАНГ**

Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот қилганлиги муносабати билан ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига бериладиган ариза намунаси ушбу Қўлланмага 1-иловада келтирилган.

Тўртинчи босқич. Ер ижара шартномасига ўзгартиш киритиш бўйича шартнома тузилади.

Ер ижара шартномасига ўзгартиш киритиш бўйича келишув **икки томонлама** ёзма шаклда (1) ижарага берувчи – ҳокимлик ва (2) янги ижарага олган меросхўр – фермер хўжалигининг янги бошлиғи томонидан **уч нусхада** имзоланади. Шартноманинг бир нусхаси кадастр органларига тақдим этилади, қолган нусхалари тарафларда қолади.

**ИЛОВАДАГИ
НАМУНАГА
ҚАРАНГ**

Ер ижара шартномасига ўзгартиш киритиш бўйича келишувнинг намунавий лойиҳаси ушбу Қўлланмага 2-иловада келтирилган.

Бешинчи босқич. Фермер хўжалигининг ерга бўлган ҳуқуқи қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда **давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг вужудга келади.**

Мерос бўйича ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидагилар **асос бўлади:**

- а)** фермер хўжалиги бошлиғини вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирма;
- б)** мерос тўғрисидаги гувоҳнома;
- в)** ер участкасининг ижара шартномаси.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун **ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ёки давлат хизматлари марказига** ижара шартномасига ўзгартириш киритилган кундан бошлаб **бир ой ичида** мурожаат қилиш лозим (бир ойлик муддатни бузиш маъмурий жарима қўлланилишига сабаб бўлади).

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Кадастр органлари томонидан **2 иш куни ичида** амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан

Ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 бараварида тўлов ундирилади.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

Фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали (tu.gov.uz) орқали ариза берилганида **БҲМнинг 90 фоизи** миқдорида тўлов тўланади.

6. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини фермер хўжалигининг янги бошлиғига ўтказиш тартиби

6.1. Фермер хўжалиги бошлиғи (1) пенсия ёшига тўлганда, (2) меҳнат қобилиятини йўқотганда, (3) муддатли ҳарбий хизматга чақирилганда, (4) олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганда, (5) сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини фермер хўжалигининг янги бошлиғига ўтказиш тартиби.

Фермер хўжалиги бошлиғини ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўз оила аъзоларидан бирига ўтказиш зарурати юзага келганда, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини фермер хўжалигининг янги бошлиғига ўтказиш мумкин.

6.2. Тегишли ҳолат юз берганлиги қуйидаги хужжатлар билан тасдиқланади:

Асос	Ҳужжат номи	Тасдиқловчи хужжатни берувчи ташкилот
Пенсия ёшига тўлганлиги	пенсия гувоҳнома	Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими
Меҳнат қобилиятини йўқотганлиги	тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосаси	худудий тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари
Муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги	чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими
Олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги	ўқиш жойидан маълумотнома	олий таълим муассасалари (ОТМ)
Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги	сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома	Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари

7. Фермер хўжалиги бошлиғини ўзгартириш қуйидагича босқичларда амалга оширилади:

Биринчи босқич. Фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилади.

Умумий йиғилишда фермер хўжалиги бошлиғининг алмаштириш ва фермер хўжалиги уставига ўзгартириш киритиш масалалари муҳокама қилинади, фермер хўжалигининг янги бошлиғи номзоди кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Умумий йиғилиш якуни бўйича **қарор қабул қилинади.**

**ИЛОВАДАГИ
НАМУНАГА
ҚАРАНГ**

Фермер хўжалигининг йиғилиш баёни намунаси ушбу Қўлланмага 3-иловада келтирилган.

Иккинчи босқич. Фермер хўжалиги қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ўзгарганлиги муносабати билан фермер хўжалигининг **янгиланган устави қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.**

Фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун **Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ёки давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда** мурожаат қилиш лозим.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун тарафлар томонидан имзоланган ер ижара шартномаси асос бўлади.

Аризада фермер хўжалиги бошлиғи алмаштирилганлиги ва янги бошлиқ тайинланганлиги муносабати билан туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган ижара шартномасига ўзгартириш киритилганлиги баён этилади ҳамда шу муносабат билан фермер хўжалиги уставига ўзгартириш киритиш сўралган ҳолда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- а) умумий йиғилиш қарори;**
- б) ер участкасининг ижара шартномаси;**
- в) ушбу Қўлланманинг 6-бандида кўрсатилган тегишли**

хужжат нусхаси.

Фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида тўлов** қилинади.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

Фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (tu.gov.uz) орқали ариза берилганида **БҲМнинг 90 фоизи** миқдорида тўлов тўланади.

учинчи босқич: туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза ёзилади.

Аризада пенсия ёшига тўлганлиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги, олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги – шулардан тегишли сабаб кўрсатилади ҳамда унга қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

- а) ушбу Қўлланманинг 6-бандида кўрсатилган тегишли хужжат нусхаси;
- б) умумий йиғилиш қарори.

Ариза ва унга илова қилинадиган хужжатлар ҳокимликка қоғоз шаклида тақдим этилади.

**ИЛОВАДАГИ
НАМУНАГА
ҚАРАНГ**

Фермер хўжалигининг бошлиғи алмашганлиги муносабати билан ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига бериладиган ариза намунаси ушбу Қўлланмага 4-иловада келтирилган.

Тўртинчи босқич. Ер участкаси ижараси шартномасига ўзгартиш киритиш бўйича уч томонлама шартнома тузилади.

Уч томонлама шартнома **тўрт нусхада**, ёзма шаклда тузилади ҳамда (1) ижарага берувчи – ҳокимлик, (2) муқаддам ижарага олган – фермер хўжалигининг собиқ бошлиғи ва (3) янги ижарага олган – фермер хўжалигининг янги бошлиғи томонидан имзоланади. Уч томонлама шартномасининг бир нусхаси кадастр органларига тақдим этилади, қолган нусхалари тарафларда қолади.

**ИЛОВАДАГИ
НАМУНАГА
ҚАРАНГ**

Ер ижара шартномасига ўзгартиш киритиш бўйича уч томонлама келишувнинг намунавий лойиҳаси ушбу Қўлланмага 5-иловада келтирилган.

Бешинчи босқич. Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда **давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг вужудга келади.**

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидагилар **асос бўлади:**

- а) умумий йиғилиш қарори;**
- б) ер участкасининг ижара шартномаси.**

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун **Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ёки давлат хизматлари марказига** ижара шартномасига ўзгартириш киритилган кундан бошлаб **бир ой ичида** мурожаат қилиш лозим (бир ойлик муддатни бузиш маъмурий жарима қўлланилишига сабаб бўлади).

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш Кадастр органлари томонидан **2 иш куни ичида** амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 бараварида тўлов** ундирилади.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР!**

*Фермер хўжалигининг янгиланган устави қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ариза берилганида **БҲМнинг 90 фози** миқдоридан тўлов тўланади.*

Фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси

2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 501-сон “Тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сон “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 мартдаги 258-сон “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

ИЛОВАЛАР**1-ИЛОВА****ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШЛИҒИ ВАФОТ ҚИЛГАНЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИШ БЎЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМЛИГИГА
БЕРИЛАДИГАН АРИЗА НАМУНАСИ**

Иштихон тумани ҳокими
А. Алиевга

“**Шодлик**” фермер хўжалиги
бошлиғи **И. Жўраевнинг** қонуний
меросхўри, **Иштихон** тумани,
Мустақиллик МФЙ, **Ишонч**
кўчаси, **5-уйда** яшовчи
фуқаро **А. Жўраев**дан

АРИЗА

Мени ариза ёзишимдан мақсадим шуки, **отам Жўраев Ибодулла Хатамович** тумандаги “**Шодлик**” фермер хўжалиги бошлиғи сифатида **2012** йилдан буён фаолият юритган ҳамда туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида **105-сон** ер участкасини ижарага бериш шартномаси **2012** йил **10 март** куни тузилган.

Отам Жўраев Ибодулла Хатамович 2022 йил **15 август** куни вафот этганлиги сабабли, “**Шодлик**” фермер хўжалиги бошлиғи бўлиш ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи **Иштихон** туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Б. Хошимов** томонидан **2023** йил **10 март** куни берилган мерос гувоҳномасига асосан менга ўтказилди.

Юқоридагиларга кўра, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан “**Шодлик**” фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида **2012** йил **10 март** куни тузилган ер участкасини ижарага бериш шартномасига ўзгартириш киритишингизни сўрайман.

Илова:

1. Фермер хўжалиги бошлиғининг вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки далолатнома ёзувидан кўчирма;
2. Мерос тўғрисидаги гувоҳнома.

2023 йил 1 февраль.

“**Шодлик**” фермер хўжалиги
бошлиғи **И. Жўраевнинг**
қонуний меросхўри, фуқаро

Имзо

А. Жўраев

ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ БЎЙИЧА КЕЛИШУВНИНГ НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАСИ

**Фермер хўжалиги бошлиғини ўзгартириш бўйича 2012 йил
10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ
муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартномага
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги
КЕЛИШУВ**

2023 йил 15 март

312-сон

Иштихон тумани

Бундан буён матнда “Ижарага берувчи” деб юритилувчи **Иштихон** туман (шаҳар) ҳокими **А. Алиев** бир томондан, бундан буён матнда “Ижарага олувчи” деб юритилувчи “**Шодлик**” фермер хўжалиги бошлиғи **И. Жўраев**нинг қонуний меросхўри фуқаро **А. Жўраев** иккинчи томондан куйидагилар ҳақида мазкур Келишувни туздилар.

1. КЕЛИШУВ ПРЕДМЕТИ

1.1. Фермер хўжалигининг амалдаги бошлиғи **И. Жўраев** 2022 йил **15 август**да вафот этганлиги ҳамда тумандаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Б. Хошимов** томонидан ижарага олувчига **2023** йил **10 март** куни мерос гувоҳномаси берганлиги сабабли, ижарага олувчи “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан фермер хўжалиги бошлиғини ўзгартириш юзасидан **2023 йил 1 феврал**да туман ҳокимлигига муурожаат қилган.

Шунга кўра, томонлар “Ижарага берувчи” ва “**Шодлик**” фермер хўжалиги ўртасида **2012** йил **10 март куни** тузилган “Фермер хўжалигига ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида”ги **105-сон** шартномага (кейинги ўринларда – “Шартнома” деб юритилади) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича келишдилар:

а) Шартноманинг кириш қисми, реквизи́тларидаги “Ижарага олувчи” деб юритилувчи “**Шодлик**” фермер хўжалиги бошлиғи “**И. Жўраев**” сўзлари “Ижарага олувчи” деб юритилувчи “**Шодлик**” фермер хўжалиги бошлиғи “**А. Жўраев**” сўзларига алмаштирилсин.

1.2. Шартноманинг қолган бандлари ўзгартиришсиз қолдирилсин.

2. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

2.1. Ушбу Келишув томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

2.2. Ушбу Келишув ва илгари тузилган Шартнома қоидалари ўртасида зиддият юзага келган тақдирда, мазкур Келишувнинг қоидалари қўлланилади.

3. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР ВА ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

3.1. Мазкур Келишув томонларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

3.2. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3.3. Ушбу Келишув кучга кирган пайдан бошлаб Шартноманинг ажралмас қисмига айланади.

3.4. Келишувнинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.5. Ушбу Келишув бўйича, шунингдек Шартнома бўйича томонлар ўртасида юзага келадиган барча келишмовчилик ёки низолар музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишув юзасидан низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.

3.6. Мазкур Келишувда кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

3.7. Мазкур Келишув бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, “Ижарага берувчи”, “Ижарага олувчи” ва Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалига бир нусхадан берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Ижарага берувчи”
Иштихон туман ҳокими
А. Алиев

“Ижарага олувчи”
“Шодлик” фермер хўжалиги бошлиғи
А. Жўраев

Х/в: _____
СТИР - Банк коди - _____

Х/в: _____
СТИР - Банк коди - _____

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

Келишув 20__ йил _____да __сон тартиб рақами билан Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалида давлат рўйхатидан ўтказилган.

м.ў. /имзо, лавозими, Ф.И.О./

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ
НАМУНАСИ**

“Шинам” фермер хўжалигининг умумий йиғилиши

БАЁНИ

2023 йил “1” март

2-сон

Иштихон тумани

Йиғилиш раиси:

А. Бозорқулов – **“Шинам”**
фермер хўжалиги бошлиғи

Қатнашдилар:

фермер хўжалигининг
15 нафар ишчи
ходимларидан **12** нафари
иштирок этди (ёки барча
ишчи ходимлари иштирок
этди)

КУН ТАРТИБИ

1. “Шинам” фермер хўжалиги бошлиғини ўзгартириш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни ташкил этиш тўғрисида

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан **“Шинам”** фермер хўжалиги бошлиғи **А. Бозорқулов** сўзга чиқиб, _____ (*қуйидаги сабаблардан бири кўрсатилади – (1) пенсия ёшига тўлганлиги, (2) меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, (3) муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги, (4) олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги, (5) сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги*) сабабли “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ фермер хўжалиги бошлиғи **турмуш ўртоғи (ёки оила аъзоларидан бири) О. Тўраевага** ижара шартномаси амал қилишининг қолган муддатига ўтказиб бериш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунга кўра, **“Шинам”** фермер хўжалиги бошлиғи **А. Бозорқулов** **Иштихон** туман ҳокимлиги ва **“Шинам”** фермер хўжалиги ўртасида **2012 йил 5 июль куни** тузилган “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги **320-сон** шартномаси ва фермер хўжалиги уставига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ерга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлигини билдирди.

Шундан сўнг йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан фермер хўжалиги аъзолари _____, _____, _____лар фермер хўжалиги бошлиғининг таклифини фермер хўжалиги аъзолари номидан **бир овоздан маъқулладилар.**

Йиғилиш сўнгида “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи **А. Бозорқулов** йиғилиш қатнашчиларидан қандай қўшимчалар борлигини сўради ҳамда таклифлар киритишлари мумкинлигини тушунтирди.

Кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама этиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи **А. Бозорқуловнинг** йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан берган топшириқлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи **А. Бозорқуловнинг** _____ (қуйидаги сабаблардан бири кўрсатилади – (1) пенсия ёшига тўлганлиги, (2) меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, (3) муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги, (4) олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги, (5) сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги) сабабли эгаллаб турган вазифасидан озод этилсин.

3. “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи этиб **О. Тўраева** тайинлансин.

4. “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи этиб тайинланган **О. Тўраевага**:

– **Иштихон** туман ҳокимлиги ва “**Шинам**” фермер хўжалиги ўртасида **2012 йил 5 июль кuni** тузилган “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида” га ўзгартириш киритиш юзасидан туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиш;

– фермер хўжалигининг янгиланган уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ёки давлат хизматлари марказига ўзи борган ҳолда мурожаат қилиш;

– ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун **давлат хизматлари марказига** ижара шартномасига ўзгартириш киритилган кундан бошлаб **бир ой ичида** мурожаат қилиш вазифалари юклатилсин.

5. **О. Тўраевага** “**Шинам**” фермер хўжалигининг муҳри ва бошқа ҳужжатлари топширилсин.

6. Йиғилиш баёнида келтирилган топшириқлар ижросини таъминлашни назорат қилиш **О. Тўраевага** юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

А. Бозорқулов

Имзо

Йиғилиш котиби:

Д. Бозорқулов

Имзо

4-ИЛОВА

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШЛИҒИ АЛМАШГАНЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИШ БЎЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМЛИГИГА
БЕРИЛАДИГАН АРИЗА НАМУНАСИ**

Иштихон тумани ҳокими
А. Алиевга

Иштихон туманида жойлашган
“**Шинам**” фермер хўжалиги
бошлиғи **О. Тўраевадан**

АРИЗА

“**Шинам**” фермер хўжалиги ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида **2012 йил 5 июль** куни фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилган.

Мен **О. Тўраева** “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси, “**Шинам**” фермер хўжалигининг **2023 йил 1 мартдаги** умумий йиғилиш қарорига асосан **А. Бозорқулов**нинг ўрнига ижара шартномаси амал қилиш муддатининг қолган муддатига “**Шинам**” фермер хўжалигининг бошлиғи этиб сайландим (ёки тайинландим).

Юқоридагиларга кўра, туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида **2012 йил 5 июль** куни “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги **320-сон** шартномага тегишли ўзгартириш киритишингизни сўрайман.

Илова:

1. Фермер хўжалиги умумий йиғилиши баёни.
2. Фермер хўжалиги раҳбарини алмаштириш учун асос бўлувчи хужжатлар (*қуйидагилардан бири илова қилинади: пенсия гувоҳномаси, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосаси, муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги бўйича мудофаа ишлари бўлими хати, олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги бўйича маълумотнома, сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома*).

Фермер хўжалиги раҳбари

Имзо
(*Мухр*)

О. Тўраева

5-ИЛОВА

**ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ БЎЙИЧА
УЧ ТОМОНЛАМА КЕЛИШУВНИНГ НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАСИ**

**2012 йил 5 июлдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини
узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 320-сон шартномага
фермер хўжалиги раҳбари ўзгарганлиги муносабати билан
ўзгартириш киритиш ҳақидаги
КЕЛИШУВ**

2023 йил 10 март

554- сон

Иштихон тумани

Бундан буён матнда “Ижарага берувчи” деб юритилувчи **Иштихон** туман ҳокими **А. Алиев** бир томондан, бундан буён матнда “Фермер хўжалиги амалдаги бошлиғи” деб юритилувчи “**Шинам**” фермер хўжалиги собиқ бошлиғи **А. Бозорқулов** иккинчи томондан ва бундан буён матнда “Фермер хўжалиги янги бошлиғи” деб юритилувчи **О. Тўраева** учинчи томондан қуйидагилар ҳақида мазкур Келишувни туздилар.

1. КЕЛИШУВ ПРЕДМЕТИ

1.1. Фермер хўжалигининг амалдаги бошлиғи қуйидаги сабабларга _____ (*қуйидагилардан бири кўрсатилади: (1) пенсия ёшига тўлганлиги, (2) меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, (3) муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлиги, (4) олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинганлиги, (5) сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги*) кўра ўз вазифасини бажара олмаслиги сабабли, “**Шинам**” фермер хўжалиги умумий йиғилишининг **2023 йил 1 март**даги қарорига асосан фермер хўжалиги янги бошлиғи **О. Тўраева** тайинланган.

Шунга кўра, томонлар “Ижарага берувчи” ва “**Шинам**” фермер хўжалиги ўртасида **2012 йил 5 июлда** тузилган “Фермер хўжалигига ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида”ги **320-сон** шартномага (кейинги ўринларда – “Шартнома” деб юритилади) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича келишдилар:

а) Шартноманинг кириш қисми, реквизитларидаги “**Ижарага олувчи**” деб юритилувчи “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи “**А. Бозорқулов**” жумлаларидаги “**А. Бозорқулов**” деган сўзлар “**О. Тўраева**” деган сўзларга алмаштирилсин.

1.2. Шартноманинг қолган бандлари ўзгартиришсиз қолдирилсин.

2. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

2.1. Ушбу Келишув томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

2.2. Томонлар ўртасида илгари тузилган ушбу келишувга зид бўлган барча келишувлар ва шартлар мазкур келишув кучга кирган пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

2.3. Ушбу Келишув ва илгари тузилган Шартнома қоидалари ўртасида зиддият юзага келган тақдирда, мазкур Келишувнинг қоидалари қўлланилади.

3. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР ВА ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

3.1. Мазкур Келишув томонларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

3.2. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3.3. Ушбу Келишув кучга кирган пайтдан бошлаб Шартноманинг ажралмас қисмига айланади.

3.4. Келишувнинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.5. Ушбу Келишув бўйича, шунингдек Шартнома бўйича томонлар ўртасида юзага келадиган барча келишмовчилик ёки низолар музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишув юзасидан низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.

3.6. Мазкур Келишувда кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

3.7. Мазкур Келишув бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада тузилиб, “Ижарага берувчи”, “ Фермер хўжалиги собиқ бошлиғи”, “Фермер хўжалиги янги бошлиғи” ва Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалига бир нусхадан берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Ижарага берувчи”

Иштихон туман ҳоқими

А. Алиев

“Ижарага олувчи”

“Шинам” фермер хўжалиги янги

бошлиғи О. Тўраева

Х/в:

СТИР - Банк коди -

Х/в:

СТИР - Банк коди -

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

“Ижарага олувчи”

“Шинам” фермер хўжалиги собиқ

бошлиғи А. Бозорқулов

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

Келишув 20__ йил _____да __сон тартиб рақами билан Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалида давлат рўйхатидан ўтказилган.

м.ў. /имзо, лавозими, Ф.И.О./